АДАБИЁТШУНОСЛИК

УДК: 821.512.133

НУРАЛИ ҚОБУЛ ИЖОДИГА УМУМИЙ НАЗАР

ОБЩИЙ ВЗГЛЯД НА ТВОРЧЕСТВО НУРАЛИ КАБУЛА

CONSPECTUS OF NURALI KABUL'S CREATURE

А.Тўйчиев[1]

[1] А.Тўйчиев – *Гулистон давлат университети таянч докторанти.*

Аннотация

Жамиятдаги ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан шу жамият аъзоларининг маънавий-интеллектуал савиясига боғлиқдир. Ҳар қандай инсон маънавиятини шакллантиришда эса бадиий адабиёт кенг имкониятга эга. Шу маънода, ўзбек ёзувчиси Нурали Қобул ижодини тизимли равишда ўрганиш зарурати мавжуд. Мазкур мақолада адибнинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан ижодига сарҳисоб сифатида назар солинади.

Аннотация

Успех реформ в обществе во многом зависит от духовно-интеллектуального уровня членов данного общества. Художественная литература обладает широким спектром возможностей в формировании духовности человека. В этом смысле возникает необходимость системного изучения творчества узбекского писателя Нурали Кабула. Статья подводит своеобразный итог творчеству писателя по случаю 70-летия со дня его рождения.

Annotation

The success of reforms in society largely depends on the spiritual and social level of members of the society. In the formation of any human spirituality, fiction has a wide range of possibilities. In this sense, there is a need for systematic study of Nurali Kabul's work in Uzbek prose. This article sums up the work on the occasion of the 70th anniversary of the writer.

Таянч сўз ва иборалар: *"Тубсиз осмон", болакай, эна образи, роман-монолог, публицист, Темурийлар эпопеяси*

Ключевые слова и выражения: *"Бесконечное небо", ребенок, образ бабушки, роман-монолог, публицист, Тимуридская эпопея.*

Keywords and expressions: *"Infinite sky", child, grandmother's image, novel-monologue, publicist, Timurid epic.*

Нурали Қобул адабиёт ривожи ва жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган улкан ижодкордир.

У етмишинчи йилларнинг иккинчи ярмида адабиётга кириб келди. "Унинг қисса ва ҳикояларидан иборат "Ойқор" (1978), "Салом, тоғлар!" (1979) каби тўпламлари кетма-кет пайдо бўлди. Ҳар икки тўплам ҳам китобхон ва адабий танқид томонидан қизғин баҳсга сабаб бўлди. Унда уруш даври фожеалари, урф-одат ва оилавий келишмовчиликлар, ёшлар тақдири ва севгиси ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар ўқувчи қалбини тўлқинлантирган эди...", - деб ёзади адабиётшунос Собир Мирвалиев [1,223].

Ёзувчига катта шуҳрат келтирган, довруғини қўшни республика китобхонларига ҳам танитган "Тубсиз осмон" қиссаси 1976-1980 йилларда ёзилди. Асар адабий жараёнда жиддий воқеа сифатида эътироф этилди, адибга катта шуҳрат келтирди.

Москвада деярли уч ярим миллион нусхада нашр этилган "Юность" журнали орқали "Тубсиз осмон" қиссаси "Небо твоего детства" номи билан собиқ Иттифоқ китобхонларига тақдим этилди. Тошкент ва Ленинграддаги рус ёш томошабинлар театрида "Тубсиз осмон" қиссаси асосида спектакль саҳналаштирилди. Бутуниттифоқ "Юность" журналининг 1981 йил 1- сонида чоп этилган "Небо твоего детства" қиссаси учун "Зеленого листка - 81" мукофоти берилди. Шунингдек, собиқ итифоқ ёзувчилар уюшмасининг 1981-1982 йилги ёш ижодкорнинг энг яхши биринчи китоби учун бериладиган Бутуниттифоқ конкурси мукофотига сазовор бўлди.

Асар рус, қирғиз, қорақалпоқ тилларига ўгирилди. "Тубсиз осмон" қиссасининг журнал ва китоб ҳолидаги адади ўн миллион нусхадан ошди. Ҳатто ҳозиргача адабиётимизда бир асарнинг қисқа муддатда кенг тарқалиши жиҳатидан кам учрайдиган

ҳодисадир. Қиссага машҳур мунаққидлар, таниқли адабиётшунос олимлар томонидан ижобий тақризлар берилди. Бу асарни ўқиган Чингиз Айтматов “Нурали ҳақиқий ёзувчи, ундаги янгилик ва беғуборлик ҳеч кимда йўқ”, - деган эди. Шахсан унинг ташаббуси билан асар қирғиз тилига таржима қилинади.

Нурали Қобулнинг катта ижодида ҳикоялари ҳам муҳим ўрин тутади.

Нурали Қобул ижодига хос хусусиятлардан бири - дунёга бола нигоҳи билан назар ташлашдир. Адибнинг ўттиз уч ҳикоясидан саккизтаси бола тилидан ҳикоя қилинади. Бу ҳикояларда воқеалар баёни биринчи шахс, яъни “мен” тилидан олиб борилади. Асарлардаги ҳикоячи - бўлаётган воқеаларнинг иштирокчиси, уларнинг шоҳиди ёки улардан хабардор болакай. Асар воқеаларининг биринчи шахс тилидан баён қилиниши ҳикоячи қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини, қалб кечинмаларини очишда қўл келган. Бунга мисол учун “Оқ каптарлар”, “Дўстмурод бобо”, “Савоб”, “Озор” ҳикояларини келтириши мумкин. Шунингдек, ёзувчининг ўн икки қиссасидан уч қиссаси (“Сангзор”, “Янги қор ёққан кун”, “Сенинг болалик осмонинг”) бола тилидан ҳикоя қилинади. “Яшаш учун кечикма” ва “Буғдой пишиғига етмаганлар” қиссаларида ҳикоячи асар персонажларидан бири, асар воқеаларининг иштирокчисидир.

Нурали Қобул энаси Шаҳзода Иброҳим Султон қизини эҳтиром билан эслайди. “Вужудимда заррача эзгулик туйғуси бўлса бу ўша - энамдан ўтган”, - дейди адиб [2,12]. Балки, шу сабаблидир, ёзувчи саккизта ҳикоясида энаси Шаҳзода момо сиймосини чизади. Уч қиссасида энаси Шаҳзода момони эҳтиром билан эслайди. “Сенинг болалик осмонинг” қиссасини эса ёзувчи энасининг хотирасига бағишлайди. “Савоб” ҳикояси, “Янги қор ёққан кун”, “Сангзор” қиссалари она ва бола мулоқоти асосига қурилган. Бу ҳикоя ва қиссаларида эна образи ёзувчининг ўз фикрларини баён этишида қўл келади.

Нурали Қобул ижодида “Унутилган соҳиллар” [5] роман-монологи алоҳида аҳамиятга эга. Бу асар ёзувчи ижоди ва шахсиятини белгиловчи асосий мезондир.

“Унутилган соҳиллар” Нурали Қобулга катта шон-шуҳрат келтирди. Яхши асар сифатида адабий жамоатчилик эътиборини тортди. Адиб бу асари билан катта насрда ҳам яхши асарлар ярата олиш имконини кўрсатди. Роман рус ва турк тилларида кўп нусхада чоп этилди.

Бу роман ўқувчилар кўникиб қолган одатдаги романлардан эмас. Асар мутлақо бошқача, роман-монолог тарзида ёзилган. Воқеалар баёни учинчи, тўртинчи, балки ундан ҳам кейинги ўринларда туради. Шахсан ўзим шу пайтгача қанча китоб ўқиган бўлсам “роман-монолог” терминига дуч келмагандим - на рус адабиётида, на жаҳон адабиётида. Бу асарни ўзбек адабиётида янги йўналишда ёзилган асар деб биламан.

Воқеалар баёни устунлик қилган асарларга ўрганиб қолганмиз учун роман-монологни дастлаб “ҳазм” қилолмадик. Биз воқеаларга эмас, одамларга дуч келдик. Чунки ёзувчи қаҳрамонларни эмас, қаҳрамонлар ўзларни таништиради. Асарда қаҳрамон нутқи орқали ўз-ўзини фош этиш санъати қўлланилган. Монологни эшитиб ўша қаҳрамонни инсон деб биласиз, унинг ҳаётда борлигига ишонасиз.

Адабиётшунос Исроил Мирзаев ҳам ёзувчининг қаҳрамонлар характерини беришда улар нутқи орқали ўз-ўзини фош этиш санъати қўллаганини ёқлайди: “Нурали Қобул реалистик прозада қўлланиладиган бу шаклдан фойдаланиб тўғри йўл тутган. Чунончи, роман-монолог давр, одамлар, тарихий вазият ҳақида муаллифнинг эркин фикрлашига, ҳар бир факт, воқеа-ҳодиса тўғрисида кенг, шахсий қараш ва мулоҳазаларига чек қўймасдан гапириш имконини беради” [6,36.].

Асарда қаҳрамонлар бир-бири билан мулоқатга киришади. Асар воқеаларининг биринчи шахс, яъни “мен” тилидан ҳикоя қилиниши ёзувчи услубига хос хусусият. Романдаги катта-катта монологлар ўша образлар талқинига ажратилган. Асарда мингдан ошиқ мақол, матал, халқ сўзлари ўз ўрнида қўлланилган [7,3.].

Ўзбекнинг талантли носирларидан бири Эркин Аъзамов учрашувда мухлисининг “Сизнинг қаҳрамонларингиз кўпроқ ўзи билан ўзи суҳбат қуради?...”, - деган саволига “Менимча дунёдаги реал одамлар ҳам ўзи билан ўзи суҳбатлашади. Икки киши суҳбатлашганда ҳам бу ўз дардини айтади, у ҳам ўз дардини.....”, - деб жавоб бергани эсимда.

Роман образлари Шокир Шарипов, Карим Усмонов ёки айтайлик Адҳам Жобировнинг ўзи билан ўзи

суҳбатлашганини эшитиб, Эркин Аъзамовнинг юқоридаги фикрини эсладим. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Буни ҳаётда бир кузатинг-а, оддий сўзлашувда ҳам икки киши бир-бирининг гапини такрорлайди. Ёки “Азага борган одам ўз дардини айтиб йиғлайди” деган гапни эсланг. Дунёда манфаат тушунчаси, инсонда манфаат туйғуси бор экан, юқоридаги фикрларни инкор этиш қийин. Фақат ёлғиз одамгина, фақат ўзи қолгандагина тўғрисини айтади, ҳатто энг ёлғончи одам ҳам. Одамнинг ўзи билан ўзининг суҳбати ўй-хаёлидан ўтган гапларидир.

“Ушбу қораламада китобхонлар учун мутлақо бошқача тилда гаплашаман. Сабаби мен учун ўз ҳақиқатларимни айтмоқнинг ўзга йўли йўқ”, - дейди адиб [8,18].

Ҳар ҳолда мен ёзувчининг кузатишлари монолог тарзида берилишини олқишлагим бор. “Борди-ю ёзувчи янги шакл излаётган ва нималаргадир эришаётган бўлса, шахсан, мен бу ёзувчининг йўналиши қайси йўналишда бўлмасин, унга ҳалақит беришга қаршиман... Мен адабиётда ҳамма нарса бўлишига тарафдорман... Мен ҳар қандай изланишларга тарафдорман...” [9,76.].

“Унутилган соҳиллар” романининг биринчи вариантини ўн олти кунда ёзиб тугатганман. Кейин бир йил қайта ишладим. Юракдан отилиб чиққан нарса узоқ ва зерикарли ҳолатда ёзилмайди. У чақмоқдек содир бўлади”, - дейди адиб асарнинг туғилиш жараёни ҳақида [10,3].

Адиб фаолиятини давлат ва жамоат ишлари билан боғлиқ ҳолда олиб борди. Фақат ижод билан чекланмай одамларнинг дарду алами, қувончу қайғусига шерик бўлди. Турли даражадаги раҳбарлик ишларида ҳамда халқ депутати сифатида улар билан бирга бўлди.

Мустақиллик остонасида ёки дастлабки таҳликали қийин йилларда долзарб муаммолар ечимига қаратилган, маънавиятни юксалтиришга хизмат қиладиган, халқни сергаклантирадиган публицистик асарлар ёзди. Асар даражасидаги мақолалар яратилди. Мисол учун “Ошга сиғиниш”, “Миллатни маънавият юксалтиради”, “Ҳақиқатни ҳайқириб айт”, “Дард бору...”, “Ватан ва ҳақиқат”, “Хиёнат”, “Чорасиз дард йўқ”, “Нон ва демократия”, “Бутун миллат бўлайлик”, “Озодликнинг олтин остонасида”, “Жаҳонга юз бургин, Ватан!”, “Катта ҳақиқат нури” каби публицистиканинг гўзал намуналарини яратди. Бу публицистик асарлардаги айрим муаммолар ҳозирга қадар ўз ечимини топгани йўқ, мақола муаммоси долзарблигича қолмоқда.

Турк адабий танқидчиси Фарид Онгерен Азиз Несин ҳикояларининг ижтимоий-маърифий қимматини таъкидлаб: “Азиз Несин ҳикоялари бебаҳо ҳужжатлардирким, улар асосида келгусида мамлакатимизнинг муайян даврини ўрганиш мумкин”, - деган эди [11,326]. Агар таъбир жоиз бўлса, мумкин бўлса худди шу маънода мен ҳам тўқсонинчи йиллардаги ижтимоий-сиёсий вазиятни билиш учун Н.Қобул публицистикасига мурожаат этишларини тавсия этган бўлардим.

Бундан қарийб қирқ беш йиллар муқаддам Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Раҳмат Файзий эндигина “Ойқор”и чиққан Нурали Қобулни “Умидли қалам соҳиби” деб билганди: “Адабиётимизга янги бир истеъдод келиб қўшилаётгани кўриниб турибди. Шуниси бизни қувонтиради. Яна бир нарса – истеъдоднинг энг биринчи талаби – меҳнат ва яна меҳнат эканлигини, ана шу машаққатсиз ҳар қандай истеъдод бир чақа эканлигини яхши тушуна билиши ва бунга амал қилиши бизни қувонтиради. Бадиий ижод даргоҳига оқ йўл тилайман, босган қадаминг қутлуғ бўлсин, Нурали!” [12,222].

Адибнинг қадами қут-баракали бўлди. У адабиётга шаҳдам қадамлар билан кириб келди ва унинг катта оқимидан ўз жойини топа олди. Бу давр жараёнида ёзувчининг ижодий эволюциясини кузатишимиз мумкин. Бугунги кунда унинг минг-минглаб ўқувчилари бор. У адабиётда ўз услубини, ўз қиёфасини ярата олди. Ижоди ҳақида адабиётшунос олимлар ва ижодкорлар ижобий фикрларини билдиришган.

Нурали Қобул ўттиздан ошиқ ҳикояси, ўн икки қиссаси, икки эссеси, шеърлари, таржималари, публицистикаси, очерклари, роман-монологи, етти китобдан иборат роман-памфлети, “Темурийлар” эпопеяси туркумидаги романлари билан адабиётимиз ривожига ҳисса қўшди. Таржимон сифатида Г.Маркеснинг “Танҳоликнинг юз йили” романи (А.Жўрабоев билан ҳамкорликда), Ч.Айтматовнинг “Болалигим” қиссасини она тилимизга ўгирди.